

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ХУСУСИЙЛАШТИРИШ,  
МОНОПОЛИЯДАН ЧИҚАРИШ ВА РАҚОБАТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ  
ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИНING  
ҚАРОРИ

**361** «Ўзбекистон Республикасининг давлат корхоналари  
ва муассасалари ҳисоби ва реестрини юритиш тар-  
тиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга  
ўзгартиришлар киритиш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2015 йил  
9 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1708-1*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 13 ноябрдаги ПФ-4483-сон «Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 30 декабрдаги 374-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси тўғрисидаги низомга мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитасининг 2007 йил 13 июлдаги 01/16-712-сон «Ўзбекистон Республикасининг давлат корхоналари ва муассасалари ҳисоби ва реестрини юритиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига (рўйхат рақами 1708, 2007 йил 3 сентябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 35-36-сон, 366-модда) иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Раис**

**Д. ХИДОЯТОВ**

Тошкент ш.,  
2015 йил 22 июнь,  
01/14-26/17-сон

Ўзбекистон Республикасининг  
Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш  
ва рақобатни ривожлантириш давлат  
қўмитасининг 2015 йил 22 июндаги  
01/14-26/17-сон қарорига  
ИЛОВА

**«Ўзбекистон Республикасининг давлат корхоналари ва  
муассасалари ҳисоби ва реестрини юритиш тартиби  
тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга  
киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Муқаддима қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 13 ноябрдаги ПФ–4483-сон «Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16 октябрдаги 215-сон «Устав фондида давлат улуши бўлган корхоналарнинг самарали бошқарилишини ва давлат мулкнинг зарур даражада ҳисобга олинишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ва Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 30 декабрдаги 374-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси тўғрисидаги низомга мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси **қарор қилади:**».

2. Низомда:

а) муқаддима қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 13 ноябрдаги ПФ–4483-сон «Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16 октябрдаги 215-сон «Устав фондида давлат улуши бўлган корхоналарнинг самарали бошқарилишини ва давлат мулкнинг зарур даражада ҳисобга олинишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ва Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 30 декабрдаги 374-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси тўғрисидаги низомга мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг давлат корхоналари ва муассасалари ҳисоби ва реестрини юритиш тартибини белгилайди.»;

б) 2-банддаги «Давлат мулки қўмитаси ва унинг ҳудудий бошқармалари» деган сўзлар «Давлат рақобат қўмитаси ва унинг ҳудудий органлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

в) 8-банднинг биринчи хатбошисидagi, 10 ва 13-бандлардаги «Давлат

мулки қўмитасининг ҳудудий бошқармасига» деган сўзлар «Давлат рақобат қўмитасининг ҳудудий органига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

г) 9-банднинг биринчи хатбошисидаги «Давлат мулки қўмитасининг ҳудудий бошқармаси» деган сўзлар «Давлат рақобат қўмитасининг ҳудудий органи» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

д) 11-бандда:

биринчи хатбошидаги «Давлат мулки қўмитасининг ҳудудий бошқармаси» деган сўзлар «Давлат рақобат қўмитасининг ҳудудий органи» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошидаги «Давлат мулки қўмитасига» деган сўзлар «Давлат рақобат қўмитасига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

е) 14-банднинг биринчи хатбошисидаги «Давлат мулки қўмитаси ёки унинг ҳудудий бошқармаси» деган сўзлар «Давлат рақобат қўмитаси ёки унинг ҳудудий органи» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

ж) 15-банддаги «Давлат мулки қўмитаси ва унинг ҳудудий бошқармалари» деган сўзлар «Давлат рақобат қўмитаси ва унинг ҳудудий органлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

з) 16-бандда:

биринчи хатбошидаги «Давлат мулки қўмитасининг ҳудудий бошқармасига» деган сўзлар «Давлат рақобат қўмитасининг ҳудудий органига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошидаги «Давлат мулки қўмитасининг ҳудудий бошқармаси» деган сўзлар «Давлат рақобат қўмитасининг ҳудудий органи» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

и) 17-банддаги «Давлат мулки қўмитасининг ҳудудий бошқармаси» ва «Давлат мулки қўмитасига» деган сўзлар тегишлича «Давлат рақобат қўмитасининг ҳудудий органи» ва «Давлат рақобат қўмитасига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

к) 19-банддаги «Давлат мулки қўмитасининг ҳудудий бошқармаларига» деган сўзлар «Давлат рақобат қўмитасининг ҳудудий органларига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

л) 22-банднинг биринчи хатбошисидаги «Давлат мулки қўмитаси» деган сўзлар «Давлат рақобат қўмитаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

м) 23-бандда:

биринчи хатбошидаги «Давлат мулки қўмитаси ҳудудий бошқармалари» деган сўзлар «Давлат рақобат қўмитасининг ҳудудий органлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошидаги «Давлат мулки қўмитасига» деган сўзлар «Давлат рақобат қўмитасига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

бешинчи хатбошидаги «Давлат мулки қўмитасига» деган сўзлар «Давлат рақобат қўмитасига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

н) 25-банддаги «Давлат мулки қўмитаси ва унинг ҳудудий бошқармаларига» деган сўзлар «Давлат рақобат қўмитаси ва унинг ҳудудий органларига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

о) 1 ва 3-иловалардаги «Давлат мулки қўмитаси ҳудудий бошқармаси» деган сўзлар «Давлат рақобат қўмитасининг ҳудудий органи» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

п) 2-иловадаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитаси» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

р) 4-илова мазкур ўзгартиришларнинг иловасига мувофиқ таҳрирда баён этилсин.

3. Мазкур ўзгартиришлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси билан келишилган.

*Молия вазири*

*Р. АЗИМОВ*

*2015 йил 22 июнь*

*Давлат статистика  
қўмитаси раиси*

*Б. ТУРАЕВ*

*2015 йил 22 июнь*

Ўзбекистон Республикасининг давлат корхоналари ва муассасалари ҳисоби ва реестрини юритиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга киритилаётган ўзгартиришларга  
ИЛОВА

«Ўзбекистон Республикасининг давлат корхоналари ва муассасалари ҳисоби ва реестрини юритиш тартиби тўғрисидаги низомга  
4-ИЛОВА

**Давлат корхонаси (муассасаси)нинг давлат мулки ҳолати тўғрисидаги  
МАЪЛУМОТИ**

(корхона (муассаса) номи)

\_\_\_\_\_ ҳолатига

**Корхона (муассаса) раҳбари**

(фамилияси, исми, шарифи)

**I. БЎЛИМ.**

**1.1. Умумий маълумотлар**

<b>Кўрсаткичлар номи</b>	<b>Кўрсаткичлар мазмуни</b>
Корхонанинг (муассасанинг) тўлиқ номи	
Корхонанинг (муассасанинг) давлат томонидан таъсисчиси (аниқ давлат органи)	
Ташкил этилишига асос	
<b>Рўйхатдан ўтганлиги тўғрисида маълумот</b>	
Рўйхатдан ўтказувчи орган номи	
Рўйхатдан ўтган санаси ва рақами	
КТУТ коди	

<b>Кўрсаткичлар номи</b>	<b>Кўрсаткичлар мазмуни</b>
СТИР коди	
ХХТУТ коди	
Жойлашган жойи (почта манзили)	
Телефон (факс)	
Электрон почта манзили	

### 1.2. Корхона (муассаса) раҳбари тўғрисида маълумот

<b>Корхона (муассаса) раҳбари билан тузилган шартнома тўғрисида</b>	
Шартнома тузилган сана	
Шартноманинг амал қилиш муддати	
Шартнома рақами	
Шартнома тузган давлат органи ёки маҳаллий ижроия ҳокимияти органи номи	

### 1.3. Ваколатхона ва филиаллар тўғрисида маълумот

Тўлиқ номланиши	
Жойлашган жойи	
Очилган санаси	
Раҳбар Ф.И.Ш.	
Фаолият тури	
Ишлаб чиқарадиган маҳсулот ҳажми	
Фойда (+), зарар (-)	

## II. БЎЛИМ

## 2.1. Корхона (муассаса) фаолиятининг асосий кўрсаткичлари

МИНГ СЎМ

Кўрсаткичлар номи	Кўрсаткичлар мазмуни		
	ҳисобот даврида		ўтган йилнинг шу даврида
	тасдиқланган (бизнес режадаги)	ҳақиқатда эришилган	
<b>Фойда (зарар) бўйича маълумот</b>			
Фойда (зарар)			
<b>Кредиторлик қарзи бўйича маълумот</b>			
Кредиторлик қарзи (жами)	x		
Жумладан, муддати ўтган кредиторлик қарзлари	x		
<b>Дебиторлик қарзи бўйича маълумот</b>			
Дебиторлик қарзи (жами)	x		
Жумладан, муддати ўтган дебиторлик қарзи	x		

## III. БЎЛИМ

## 3.1. Давлат мулки объектларининг қисқа рўйхати

МИНГ СЎМ

Т/р	Асосий воситалар номи	Жойлашган жойи, (почта манзили)	Ер майдони (кв. м)		Кадастр рақами	Фойдаланишга топширилган сана	Қаватлар сони	Фойдаланиш мақсади	Қолдиқ қиймати (балас қиймати)	Фойдаланиш ҳуқуқи*
			умумий	жумладан, қурилиш (иморат) эгаллаб турган						
1.	Бино**									
2.	Иншоот**									

\* Ижара, тезкор (оператив) бошқариш, бошқалар.

\*\* Рўйхат ҳар бир объект бўйича алоҳида тақдим этилади.

	Асосий воситалар номланиши	Сони	Фойдаланишга топширилган сана	Бошлангич (қайта тиклаш) қиймати	Жамғарилган эскириш	Қолдиқ қиймати	Фойдаланиш ҳуқуқи
3.	Узатиш мосламалари						
4.	Машина ва ускуналар						
5.	Мебель ва офис жиҳозлари						
6.	Компьютер жиҳозлари ва ҳисоблаш техникалари						
7.	Транспорт воситалари						
8.	Ишчи ва маҳсулдор ҳайвонлар						
9.	Кўп йиллик ўсимликлар						
10.	Бошқа мулклар						
11.	Номоддий активлар						
	<b>Жами</b>						

	Асосий воситалар номланиши	Объект жойлашган жойи	Объектнинг смета қиймати	Молиялаш манбаси	Қурилиш бошланган йил	Қурилиш тугатилган йил	Бажарилган иш ҳажми (минг сўм)
12.	Тугалланмаган қурилиш						
	<b>Жами</b>						

#### IV БЎЛИМ

##### 4.1. Давлат корхонаси (муассасаси) устав фонди миқдори тўғрисида маълумот

минг сўм

Т/р	Корхона (муассаса) номи	Устав бўйича устав фонди миқдори (охирги рўйхатга олинган санада)	Шакллантирилган устав фонди миқдори

Директор (раҳбар)

(Ф.И.Ш.)

(имзо)

М.Ў.

«\_\_» \_\_\_\_\_ 20\_\_ й.».